

Рамазон ойини 5 санаси

15:22 / 02.06.2017 4715

Савол: Муҳтарам устоз! Рамазон ойи бу йили айниқса иссиқ келиши сиз муҳтарамга бу мавзуда кўплаб саволлар оқимини келишига сабаб бўлмоқда. Бу мавзуда жавобларингизни ўқидим. Қуйидаги саволим ҳам айни шу мазмунда:

Рамазон ойини 5 санаси, Жума намозида шаҳримизнинг баъзи бир масжидларида имом-ҳатибларимиз ўз маъвизаларида рўзадор одамнинг иссиқдан (дамдан, чанқоқдан) чўмилиши рўзани малол олишига олиб келади деб, бу ишни макруҳ дедилар. Масжидимиз имоми ҳам худди шундай гапни айтиб, бунга далил қилиб, мазҳабимиз имоми Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳни бундан қайтарганликларини, у кишини шогирди Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ қавлида эса, бунга рухсат борлигини, унга далил қилиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини келтириб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рамазон ойида устиларидан сув қуйганликларини далил қилиб, рухсат сифатида олганликларини айтиб ўтдилар. Масжидимиз имоми ушбу ҳадисни шархлаб: "балки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам устиларидан сув қуйиб чўмилишида ғул вожиб бўлиб, ёки бошқа сабаблари бордирки чўмилгандир, биз Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳни қавлини оламиз, рамазонда рўзадор одамнинг чўмилиши макруҳ деб" қайтарди.

Муҳтарам ҳазрат, мазҳабимизда фатво кимни қавлига олинган. Агар сизга малол келмаса шу мавзунини батафсил далиллар билан кўрсатиб берсангиз. Зероки бизлар бу нарсани аниқ билиб амалда бўлсак. Бу нарсада аксар рўзадорлар ҳар хил фикрда бўлиб, бир тўхтама келиш кийин кечмоқда. Ташаккур ва эҳтиром ила, Ўш шаҳридан Одилжон.

Жавоб: [Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

- Рамазон ойининг бешинчи санаси дегани "йили" дегани бўлади. Сиз ўзбек тилини радио ва телевизордаги тил билмайдиган сўзловчилардан ўрганманг.

- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан баъзиси:

«Батаҳқиқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аржда, рўзадор ҳолларида, иссиқ ва чанқоқликдан бошларидан сув қуяётганларини кўрдим», деди.

Абу Довуд, Насайи ва Аҳмад ривоят қилишган.

«Арж» Мадинаи мунавварадан бир неча кунлик йўл узоқлигидаги бир қишлоқнинг номи. Ушбу ривоятдан рўзадор инсон устидан сув қўйиб чўмилса бўлади, деган ҳукм чиқади. Агар ўша ғулнинг сабаби чанқоқлик ёки иссиқ бўлса ҳам.

Уламоларимиз кўп сувга кўмилиб чўмилишга рухсат йўқ, дейдилар. Чунки у ҳолда баъзан ичга сув кириб кетиши эҳтимоли бор.